



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI JARQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Jarqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston ko‘chasi 13-uy. 190600, tel.: (+99876)432-10-94, jarqurgon.t@exat.uz, www.jarqorgon.uz

2021 -yil “23” mart к-278 -son Jarqo‘rg‘on t.
Тумандаги “BOTIR SAIDOVICH”
чорвачиликка ихтисослашган фермер
хўжалигининг ер майдонларни кенгайтирган
ҳолда кўшимча ер майдони ажратиш
тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 53-моддаси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6-моддаси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10-11-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган “Ер участкаларини фермер хўжаликларига узок муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга ва “BOTIR SAIDOVICH” чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги бошлиғи Кенжаева Фатиманинг туман ҳокими номига кўшимча ер майдони кўшиб бериш тўғрисида ёзган аризасига, Жарқўрғон туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи тендер комиссиясининг 2021 йил 23 февралдаги 29-сонли йиғилиш баённомаси, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг 2021 йил 24 февралдаги 30 сонли ҳулосаси ҳамда Халқ депутатлари Жарқўрғон тумани Кенгашининг 2021 йил 26 февралдаги № 168/08-17-сонли қарорига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 23 февралдаги 29-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Тумандаги “Дехконобод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган чорвачиликка ихтисослашган “BOTIR SAIDOVICH” фермер хўжалигига кўшимча равишда ушбу ҳудудининг қишлоқ хўжалиги харитаси бўйича туман захира ер фондида бўлган 292, 293, 294, 295, 296 ва 297-дала контурларидан жами 21,3 гектар, шундан 20,4 гектар экин ер майдони, 0,8 гектар ариқ ва зовурлар ва 0,10 гектар йўллар билан банд бўлган ер майдонлари кенгайтирган ҳолда кўшимча равишда ижарга ажратиб берилсин.

3. “Қумқишлоқ” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил этилган “BOTIR SAIDOVICH” чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигига қишлоқ хўжалиги харитасининг 292, 293, 294, 295, 296, 297, 541к, 541а, 541б, 548 ва 549-дала контурларидан жами 32,7 гектар, шундан 30,8 гектар экин

ер майдони, 0,8 гектар ариқ ва зовурлар, 0,1 гектар йўллар, ва 1,0 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар билан банд бўлган ер майдонлари деб ҳисоблансин.

4. “Дехконобод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил этилган “BOTIR SAIDOVICH” чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги билан ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномаси қайта тузилсин ва илгарги тузилган шартнома муддатларини инобатга олган ҳолда 49 (қирик тўққиз) йил қилиб расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

5.Кадастр агентлиги Жарқўрғон туман бўлими бошлиғи в.б.(Б.Аллабердиев)га “BOTIR SAIDOVICH” чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигига узоқ муддатли ижарага ажратилган ер майдонини жойида чегараларини белгилаб бериш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш ва 2022 йил 1 январь ҳолатигача тегишли хўжаликлар ер ҳисоботларига ўзгартиришлар киритиш топширилсин.

6.Ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси», «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни ва амалдаги бошқа қонунларга риоя қилиш, иморатлар қурмаслик, тузилган шартномаларга тўлиқ амал қилиш, фермер хўжалиги бошлиғи Кенжаева Фатима зиммасига юклатилсин.

7.Туман ҳокимининг 2019 йил 25 сентябрдаги Қ-4894-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8.Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари А.Хушназаров ва туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси Ш.Тураповлар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Б.Ўрақов



2021 йил "26" февраль

№ 168/08-17

Жарқўрғон т.

Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига фаолият юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини ажратиш ва мақбуллаштириш бўйича Жарқўрғон тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси Ш.Қ.Тураповнинг ҳисоботи тўғрисида

Жарқўрғон тумани ҳудудидаги туман захира ерлардан пахта-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони ажратиш ва танлов эълон қилиш тўғрисидаги 2020 йил 25 ноябр кундаги Қ-1946-сонли туман ҳокимининг қарори ҳамда 2020 йил 23 декабрдаги "Жарқўрғон" газетасининг 28-29-(8774)-сонли "Очиқ танловга марҳамат" мавзусидаги эълони асосида туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси Ш.Қ.Тураповнинг ахбороти атрофлича муҳокама қилиб, халқ депутатлари Жарқўрғон тумани Кенгаши қарор қилади:

1. Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига фаолият юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини бериш (реализация қилиш) бўйича туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси Ш.Қ.Тураповнинг ахбороти маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2021 йил 3 феврал кундаги танлов натижалари ва туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг ҳулосаси маъқуллансин.
3. Жарқўрғон туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг туманда янгидан ташкил этилаётган ва қўшимча ер майдонлари ажратилаётган пахта-ғаллачилик йўналиши бўйича 39 (ўттиз тўққиз) та талабгорлар ғолиб деб эълон қилинганлиги 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
4. Бошқа йўналишлар бўйича 8 (саккиз) та талабгорлар ғолиб деб эълон қилинганлиги 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
5. Танловда "Амузанг Жилолари" ҳудудидаги 35,53 гектарли лойиҳалар танлов иштирокчилари муносиб деб топилмаганлиги учун қайта танловга қўйилсин.
6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Жарқўрғон туман Кенгашининг Аграр, сув хўжалиги ва экология масалалари доимий комиссияси (Н.Шомуродов) ва туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари А.Хушназаров зиммаларига юклатилсин.

Кенгаш раиси



/имзоланган/

Б.Ўрақов

Туман захира ерларидан фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони ажратилаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг
РЎЙХАТИ

№	Фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони ажратилаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг номи	Фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони ажратилган ҳудуд	Ташкил этилаётган фермер хўжалигининг йўналиши	Умумий ер майдони (га)
1.	"Хайрулло" ф/х	Маслаҳаттепа мфй	Пахта-ғаллачилик	43,88
2.	Абдураимов Баҳром	Порлок Юлдуз мфй	Пахта-ғаллачилик	37,57
3.	Джураев Чори	Порлок Юлдуз мфй	Пахта-ғаллачилик	40,17
4.	Абдуванитов Илҳом	Жинжактепа мфй	Пахта-ғаллачилик	72,50
5.	Сафаров Абдуназар	Мехнатобод мфй	Пахта-ғаллачилик	59,30
6.	Туракулов Ғайрат	Боймоқли мфй	Пахта-ғаллачилик	41,90
7.	Сафаров А.мардон	Эски қишлоқ мфй	Пахта-ғаллачилик	54,08
8.	Бадатов Навруз	Эски қишлоқ мфй	Пахта-ғаллачилик	49,24
9.	Қориев Ориф	Боботоғ мфй	Пахта-ғаллачилик	56,60
10.	Бобоёров Чори	Нефтчилар мфй	Пахта-ғаллачилик	50,20
11.	Жумаев Алишер	Янги гурмуш мфй	Пахта-ғаллачилик	150,20
12.	Ходжанов Бекзод	Гулистон мфй	Пахта-ғаллачилик	84,60
13.	Супиев Улугбек	Полвонлар Юрти	Пахта-ғаллачилик	68,20
14.	Муҳаммадиев Ўқтам	Обихаёт мфй	Пахта-ғаллачилик	68,70
15.	Юлдошев Ислом	Матонағ мфй	Пахта-ғаллачилик	77,70
16.	Қобулов Содик	Гулистон мфй	Пахта-ғаллачилик	70,10
17.	Ҳамроев Акмал	Маданият мфй	Пахта-ғаллачилик	75,94
18.	Муродов Бобомурод	Олтин тепа мфй	Пахта-ғаллачилик	48,40
19.	"Сурхонлик Шерзод ССС" ф/х	Эски қишлоқ мфй	Пахта-ғаллачилик	17,96
20.	"Сирожиддин Пайвандчи" ф/х	Эски қишлоқ мфй	Пахта-ғаллачилик	12,11
21.	"Аброрбек Асалбек" ф/х	Эски қишлоқ мфй	Пахта-ғаллачилик	6,62
22.	"Раҳматова Уриной" ф/х	Кум қишлоқ мфй	Пахта-ғаллачилик	13,66
23.	"Муҳаммад Сухроб Сурхон" ф/х	Кум қишлоқ мфй	Пахта-ғаллачилик	12,65
24.	"Достонбек Ифғихори" ф/х	Кум қишлоқ мфй	Пахта-ғаллачилик	11,75
25.	"Карим Раҳмон ТЕМА" ф/х	Ҳайитобод мфй	Пахта-ғаллачилик	24,75
26.	"Ташаббус Пахтакор" ф/х	Кум қишлоқ мфй	Пахта-ғаллачилик	16,09
27.	"Янги усул пойдевори" ф/х	Янги гурмуш мфй	Пахта-ғаллачилик	20,90
28.	"Ботир Саидович" ф/х	Дехқонобод мфй	Пахта-ғаллачилик	21,30
29.	"Табаррук Дон Барака" ф/х	Соқчи мфй	Пахта-ғаллачилик	17,70
30.	"Отақум Умидди Барака" ф/х	Олтин тепа мфй	Пахта-ғаллачилик	49,40
31.	"Оққурғонлик Асадбек" ф/х	Оқтепа мфй	Пахта-ғаллачилик	43,60
32.	"Оқтепалик Мухтор" ф/х	Гур гур мфй	Пахта-ғаллачилик	7,50
33.	"Карвон Файз Нур" ф/х	Обихаёт мфй	Пахта-ғаллачилик	110,40
34.	"Фарход ТМВ" ф/х	Мехнатобод мфй	Пахта-ғаллачилик	28,28

Жарқўргон тумани 15 - сонли лойиха бўйича фермер хўжалиги ташкил этишда ер
 участкаси танловига иштирок этиш учун талабгор
Бобар Саидов нинг танлаш Қўшимча шартлардан

ВАРАҚАСИ

	Ўзув мазмуни	Изох	Тупланган бали
1	Мутахассислиги бўйича балл		—
2	Маълумоти бўйича балл		—
3	Иш стажи учун балл	7 йил	8
4	Мол-мулки ва маблағи учун балл	150,0 млн	10
5	Техник воситаси учун балл	ТТЗ-80,11	9
6	Шартнома мажбуриятларини бажарганлиги учун балл		—
7	Иқтисодий асосланганлиги учун балл	Безнис рети	8
	Жами балл		35

ф. Кокматов

Жарқўргон тумани 15 - сонли лойиха бўйича фермер хўжалиги ташкил этишда ер
 участкаси танловига иштирок этиш учун талабгор
Шураев Шамол нинг танлаш


Абдулмуни Шураев **ВАРАҚАСИ**

	Ўзув мазмуни	Изох	Тупланган бали
1	Мутахассислиги бўйича балл	хисобчи	8
2	Маълумоти бўйича балл	ўрта махсус	7
3	Иш стажи учун балл		—
4	Мол-мулки ва маблағи учун балл		—
5	Техник воситаси учун балл		—
6	Шартнома мажбуриятларини бажарганлиги учун балл		—
7	Иқтисодий асосланганлиги учун балл	Безнис рети	8
	Жами балл		23

Шураев Шамол

Жаркўрғон туман 15_г - лойиха бўйича КОКГА-СОЛТА ка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича талабгорларга танлов якуни бўйича қўйилган балларининг

ҲИСОБ-КИТОБИ

Комиссия аъзоларининг Ф.И.Ш		ТАЛАБГОРЛАР		
		<i>Добир Саидов Ф/а</i>	<i>Абдуқадиров Нурсаб</i>	<i>Ф/а</i>
I	Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни аниқлашда тўпланган балл	<i>35</i>	<i>23</i>	
Танловда комиссия аъзолари томонидан қўйилган баллар				Имзо
1	Б.Ўрақов			
2	А.Алияров			
3	А.Хушназаров	<i>8</i>	<i>5</i>	
4	А.Якубов	<i>7</i>	<i>5</i>	
5	Б.Усанов	<i>5</i>	<i>5</i>	
6	Ш.Турапов	<i>8</i>	<i>5</i>	
7	С.Холбоев	<i>8</i>	<i>4</i>	
8	С.Турдиалиев	<i>7</i>	<i>5</i>	
9	И.Джумаев	<i>7</i>	<i>4</i>	
10	Б.Аллабердиев	<i>7</i>	<i>5</i>	
11	Қ.Ғаффаров			
	Жами балл:	<i>57</i>	<i>38</i>	
II	Танловдаги ўртача балл	<i>4,1</i>	<i>4,8</i>	
III	Умумий балл (I + II)	<i>42,1</i>	<i>27,8</i>	



Жарқўрғон туман ҳокимлиги ҳузурдаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш)
масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг
29 -сонли йиғилиш баённомаси

2021 йил "23" деврал

Жарқўрғон тумани

Раислик қилди:

А.Алияров - туман ҳокими ўринбосари, комиссия раиси
ўринбосари

Қатнашдилар:

Комиссия аъзолари:

А.Хушназаров	Туман ҳокими ўринбосари
А.Якубов	Туман ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб –қувватлаш бўлим бошлиғи
Б.Усанов	Туман қишлоқ хўжалиги бўлим бошлиғи
Ш.Турапов	Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси
С.Холбоев	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича Жарқўрғон туман инспекция бошлиғи
С.Турдиалиев	Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази бошлиғи
И.Джумаев	Агро саноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси Жарқўрғон туман бўлими бошлиғи
Б.Аллабердиев	- туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи .в.в.б, комиссия котиби

КУН ТАРТИБИ:

“Деҳқонобод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги туман захира ерлардан пахта-галлачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича туман ҳокимига берилган аризаларни кўриб чиқиш ва ўтказилган танлов якунлари тўғрисида

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия раиси ўринбосари А.Алияров сўзга чиқиб, “Деҳқонобод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги туман захира ерлардан пахта-галлачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони ажратиш ва танлов эълон қилиш тўғрисидаги 2020 йил “25” ноябр кунидаги Қ-1946-сонли туман ҳокимининг қарори қабул қилинганлигини, мазкур ерларда фермер хўжалиги ташкил этиш учун 2 та, хусусан “Ботир Саидович” фермер хўжалиги раҳбари Ф.Кенжаева ва “ Абдумўмин Жўраев” фермер хўжалиги раҳбари Я.Жўраевлардан ариза тушганлигини, комиссия томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 19 ноябрда 1523-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низом” талаблари асосида танлов икки босқичда ўтказилганлигини, талабгорларнинг танловга тақдим

этган хужжатларига ҳамда комиссия томонидан қўйилган баллар, аниқланган ғолиблар ва танлов якунлари тўғрисида ахбороти эшитилди.

Кун тартибидаги масалани муҳокама қилиб комиссия,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Фермер хўжаликларини ташкил этиш учун ўтказилган танлов якунлари куйидагича тасдиқлансин:

Т/р	Танлов ғолибининг (Ф.И.Ш.)	Ер лойихаси	Майдони, га	Тўплаган, бали
1.	“Ботир Саидович” ф/х	15к	21,30	42,1
2.	“Абдумўмин Жўраев” ф/х	15к	21,30	27,7

2. Ушбу лойиҳа бўйича пахта-галлачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун “Ботир Саидович” ф/х 42,1 балл тўплаб, танлов ғолиби деб эълон қилинсин.

3. Ушбу қарорнинг тасдиғи туман ҳокимидан сўралсин.

Комиссия аъзолари:



А.Хушназаров
А.Якубов
Б.Усанов
Ш.Турапов
С.Холбоев
С.Турдиалиев
И.Джумаев

Комиссия котиби

 Б.Аллабердиев

JARQO'GON TUMAN FERMER,
DEHQON XO'JALIKLARI VA
TOMORQA YER EGALARI
KENGASHI



СОВЕТ ФЕРМЕРСКИХ,
ДЕХКАНСКИХ ХОЗЯЙСТВ И
ВЛАДЕЛЬЦЕВ
ПРИУСАДЕБНЫХ ЗЕМЕЛЬ
ДЖАРКУРГАНСКИЙ РАЙОН

190600, Jarqo'rg'on tumani, Ohunboboev
ko'chasi, 46 – uy,

190600, Джаркурганский район
ул.Ахунбабаева, Дом-46

2021 йил “24 феврал”

№ 30

Жарқўрғон тумани

ХУЛОСА

Талабгор “Ботир Саидович” ф/хўжалиги бошлиғи Кенжаева Фотима.

Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани фермер, деhqон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 октябрдаги 476-сонли қарорига мувофиқ Жарқўрғон туманида яшовчи “Ботир Саидович” ф/хўжалиги бошлиғи Кенжаева Фотима “Жарқўрғон” газетасининг 2020 йил 23 декабрдаги №-28-29-(8774) сонли “Очиқ танловга марҳамат” мавзусидаги 15қ-лойиҳаси бўйича Жарқўрғон тумани “Т.Шобуров” массиви туман захирасида бўлган 292, 293, 294, 295, 296 ва 297- контурида жами 21,30 гектар шундан 20,40 гектар сувли экин ерлар, 0,80 гектар ариқ ва зовурлар ва 0,10 гектар йўллардан иборат бўлган ер майдонларини пахта-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун 49 йил узоқ муддатли, қўшимча равишда ижарага ажратиб бериш ва фермер хўжалигини юритиш учун ер майдони берилишига муносиблиги бўйича, қуйидагилар аниқланди:

Устав фондини шакллантиришга маблағи етарли.

Ўзининг бизнес режасида ўртача юқори ҳосилдорлик олишга режалаштирилган ҳамда корхона муассасалар ва фуқороларнинг техника хизматига, махсулотлари, товарларига бўлган эhtiёжларини қондириш ҳисобга олинганлиги инобатга олган ҳолда Жарқўрғон туманида яшовчи талабгор “Ботир Саидович” ф/хўжалиги бошлиғи Кенжаева Фотима фермер хўжаликни юритиш учун муносиб деб ҳисоблансин.

Жарқўрғон туман фермер, деhqон хўжаликлари
ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси



Ш.Турапов.



Жарқўрғон туман ҳокими
Б.Ўрақовга
Тумандаги “Т.Шобуров”
Массивидага “Ботир Саидович” ф/х
рахбари Ф.Кенжаева томонидан

А Р И З А

Менга “Жарқўрғон” газетасининг 2020 йил 23 декабрдаги № 28-29сонли туман ҳокими захира ерларидан фермер хўжалиги ташкил этиш учун элон қилинган танловдаги 15-лойиха бўйича “Т.Шобуров” массиви худудидаги туман захирасида бўлган 292, 293, 294, 295, 296 ва 297 дала контурларидаги умумий ер майдони 21,3 гектар, шундан 20,4 гектар экин майдон, 0,8 гектар ариқ ва зовурлар ва 0,1 гектар йўللاردан иборат ер майдонларини фермер хўжалигимизга қўшимча пахта ва галлачилик учун ижарага ажратиб беришингизни сўрайман.

“Ботир Саидович” фермер хўжалиги
рахбари:



Ф.Кенжаева

JARQO'RG'ON TUMAN HOKIMLIGI	SAHIFALAR SONI	2
	KIRISH №	99-10-8
	SANASI	06.01.21.

99-333-24-22.



Жарқўргон туман ҳокими
Б.Ўрақовга
Тумандаги “Т.Шобуров”
Массивидага “Абдумўмин Жураев” ф/х
рахбари Я.Жураев томонидан

А Р И З А

Менга “Жарқўргон” газетасининг 2020 йил 23 декабрдаги № 28-29 сонли туман ҳокими захира ерларидан фермер хўжалиги ташкил этиш учун элон қилинган танловдаги 15-лойиха бўйича “Т.Шобуров” массиви худудидаги туман захирасида бўлган 292, 293, 294, 295, 296 ва 297 дала контурларидаги умумий ер майдони 21,3 гектар, шундан 20,4 гектар экин майдон, 0,8 гектар арик ва зовурлар ва 0,1 гектар йўллардан иборат ер майдонларини фермер хўжалигимизга қўшимча пахта ва ғаллачилик учун ижарага ажратиб беришингизни сўрайман.

“Абдумўмин Жураев” фермер
хўжалиги раҳбари:



Я.Жураев

JARQO'RG'ON TUMAN HOKIMLIGI	SAHIFALAR SONI	2
	KIRISH №	05-10-9
	SANASI	06.01.21.

94-518-57-79